
Фурқат туманида “Оналарга эҳтиром” фестивали шукуҳи

Фурқат туманидаги Касб-ҳунар мактабида “Оналарга эҳтиром” фестивали доирасида тадбир ўтказилди. Тадбирга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг оналари таклиф этилиб, уларга эҳтиром кўрсатилди.

Тадбирда Фурқат тумани ҳокими Жаҳонгир Жуманов сўзга чиқиб, вилоят ҳокими томонидан ташкилланган “Оналарга эҳтиром” фестивали муқаддас онажонларимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни, ҳурматимизни намоён этиш, ўсиб келаётган ёш авлодга ота-онага ҳурмат, фарзандлик бурчларини англашиб, оналарини эъзозлаб, ҳурмат ва эҳтиромларини тўлиқ адо этиш сингари қадриятларимизни мустаҳкамлишга хизмат қилишини таъкидлаб, барча оналарга соғлиқ, фарзандларининг камолини кўриш бахти насиб этишини тилади.

Тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари Зарифахон Алихаджаева, мактаб раҳбари Шахзода Абдуллаевалар ҳам сўзга чиқиб, оналарга самимий тилакларини билдирдилар.

Маданият ва туризм бўлими ходимлари, Касб-ҳунар мактаби ўқувчилари томонидан оналарни улуғловчи қўшиқлар, шеърлар ижро этилди. Маъмурият томонидан оналарга гуллар ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек ўқувчи ва устозлар ўз оналарига ўзгача ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, гуллар тақдим этдилар.

2023-05-16 19:08:45